

2-3 июл кунлари Қирғизистон ташқи ишлар вазири Муродбек Имоналиев расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Меҳмон Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш борасида фикр алмашилди.

Ташқи ишлар вазирилари Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқароларининг ўзаро борди-келдиси тўғрисидаги ҳуқуқматларро битимга имзо чекди.

(ЎЗА).



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 4 июл, сешанба №95 (927)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Касаба уюшма қўмитасининг хонаси доимо одамлар билан гажум. Корхона ишчи-хизматчилари касабакўми раисига турли масалалар билан мурожаат қилишади.

— Раис, менга «Турон» санаторийсига йўлланма керак, саломатлигимни тиклаш ниятим бор эди. Агар имконият бўлса, - дея гап бошлаб қолди ҳисобчи Сожида Тоғаева.

— Янаги ҳафтада сафарга, дам олишга ҳозирлик кўраверинг, йўлланма нақд.

Касабақўми раиси Турсунали Сотиболдиев бир зумда уч-тўрт кишининг олтимиросини қондирди. Бу ерга бир илжин билан қадам қўйганлар хушнуд ҳолда раҳмат айтиб, ортга қайтишади.

«Далварзин» пахта тозалаш заводи республикамиздаги энг тўнғич, ўртак олса арзийдиган, меҳнатқаш, фидойи одамлари бор корхоналар сирасига кириди. 500 га яқин турли касб эгалари ягона оила фарзандларидек ахил, иноқ меҳ-



МИЛЛИЙ ҒУРУР ҚАЛБДА ЖЎШ УРСА

нат қилишади. Мана 25 йилдирки, пахта тозаловчилар Турсунали Сотиболдиевнинг касабаси уюшма қўмитаси раислигига ишонч билан сайлаб келишмоқда.

— Корхонамиздаги ҳар бир ишчини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш доимо диққат марказимизда. Ишлаб чиқариш илгорларини рағбатлантиришга 420 минг сўм маблағ сарфланди. Но-

чор, кам даромадли, боқувчисини йўқотган оилаларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатилади. Раис ҳамиша ишчилар орасида. Уларнинг дардига дармон, қувонч ва ташвишларига шерик бўлишни шарафли бурчи, асосий вазифаси деб билади.

Масалан, тўй қилаётган ишчиларга 10 минг сўм миқдорда ёрдам пули, шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулотла-

ридан кўмак берилади. Транспорт, тўй кечаси ишлатиладиган идиш-товуқлар, ўриндиқлар ҳам корхона ҳисобидан ажратилади. Бундай кўмакдан ишчилар жуда хурсанд. Яқинда корхона ходимларидан Маҳбуба Олтибоева, Бароҳат Раҳмоновларга маросимларини ўтказиб олиш учун ана шундай кўмак берилди. Бундай келтиришимиз мумкин. Корхонада меҳнат ки-

шиларига эътибор, уларни ижтимоий муҳофазалаш, моддий-маънавий рағбатлантириш шу куннинг талабида бўлгани боис ҳам ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришилмоқда.

Шуни эътироф этиш жоизки 3078 тонна тола экспортга жўнатилди. Айни чоғда АҚШ, Сингапур, Ирландия, Испания, Голландия, Бельгия, Швейцария, Болгария каби хорижий ҳамкорлар маҳсулот сифати-га юқори баҳо беришмоқда.

Корхона меҳнатчиларининг саломатликларини тиклаш, уларнинг фарзандлари тўғрисида қайғуриш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. 50 нафар ишчи-хизматчиларни санаторийларга юбориш режалаштириб қўйилган. Шу кунларда 71 нафар ўқувчилар Бўстонлиқ ва Бекобод туманларидаги «Келажақ» ва «Лола» болалар оромгоҳларида дам олишмоқда.

Т.УСМОНОВ, Бекобод тумани.

МУСТАҚИЛЛИК, КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАДР-ҚИММАТИМИЗНИ ҲАМОН ҚЎЙДИ

Ўз еринида, она Ватанимизда қимтиниб, бошининг қуйи эгиб, ҳадиксираб яшаш нақадар оғир қисмат. Афсуски, узоқ йиллар мобайнида ўзбегим туну-кун меҳнат қилиб, қадр топмади, вақти келса ҳақ-ҳуқуқи чекланди. Нимасини айтасиз, собиқ шўро давридаги Ўзбекистон байроғи, гербида миллат, халқ рамзидан асар ҳам йўқ эди... Истиқлол кўёши дилларни мунаввар айлади. Асрлар мобайнида отабобларимиз орзу қилиб келган саодатли онларни кўриш биз — бахтли авлодга насиб айлади. Мана энди барча ҳақ-ҳуқуқимиз Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Конституциясида қонун йўли билан мустақамлаб берилган.

Қонун ҳужжатлари жамият аъзоларининг сиёсий, ижтимоий фаоллигининг кўзгуси, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятининг индикаторидир. Олти бўлим, XXVI боб, 128 моддадан иборат Ўзбекистон Конституцияси қонунлар гултождидир. Унда биринчи марта инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари масаласи дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторида ифода этиб берилди.

Асосий қонунимизга суянган ҳолда ўзбек давлатчилиги ўзининг кўп йиллик, бой таърибалари асосида қайтадан ривожлантирилмоқда ва том маънода ҳуқуқий - демократик инсонпарвар давлатга, фуқаролик жамиятига айланмоқда. Зеро, бу принцип ҳам Конституциямизга биринчи марта киритилганлиги билан гоё қимматлидир.

Бахт китоби бизни улуғлапти, меҳнатимизни эъзозлаб юзга чиқармоқда. Шу босис мамлакатимиз ҳар бир фуқароси Асосий қонунимизни сатрма-сатр ўқиб, маъносини англаб, мағзини қабиб юрагига жойлаб олмоғи лозим. Бунга эришилмас экан, ҳуқуқ ва бурчларимизни тўғри тушуниб ололмаймиз. Бу эса, таъбир жоиз бўлса, ўзининг, ҳаётининг, кенг кўламли имкониятларини, Мустақилликнинг қадрига етмасликдир.

Конституциямизнинг муҳим жиҳатлари ниҳоятда кўп. Аммо унинг виждон эркинлиги ҳақидаги моддаси хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Унда шундай дейилади: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбурий синдиришга йўл қўйилмайди».

Мустақиллигимизнинг буюк неъматларидан бири ҳам айнан шу эътиқод эркинлигидир. Муқаддас Қуръони Каримнинг, Пайғамбаримиз Ҳадисларининг чоп этилишини яқин-яқингача орзу қила олармикидир? Не бахтки, бир вақтлар фотихага қўл очишдан чўшиб қолган, ҳақто дафн маросимларини инсонлардек ўтказолмаган мусулмон аҳли эндиликда ҳар тонг Яратганга шукроналар айтиб, орзу-хавасини амалга оширмоқда. Ҳақ сафарлари эмин-эркин бориб келмоқда.

— Кўпчилик Конституцияларда шахс ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, аниқроғи, инсон ҳуқуқлари алоҳида берилган, — тушунча беради Тошкент Давлат юридик институти доценти Ф.То-

ҳиров, — жумладан, Италия Конституциясида биринчи бўлим «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари», Япония Конституциясида учинчи боб «Халқнинг ҳуқуқлари ва бурчлари» деб юритилади. Ўзбекистон Конституциясида эса иккинчи бўлим Инсон ҳуқуқларига оид бўлиб, ҳажм жиҳатидан энг катта қисмлардан-дир. У олти боб, 35 моддани ўзида бирлаштирган. Бу бўлимга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари Декларацияси, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқро ҳужжатлар асос қилиб олинган.

Ўзбекистон Мустақилликка эришганига 9 йил бўлапти. Шу давр ичида эришилган барча муваффақиятлар замирида буюк Коммунизм турибди. Конституциямизнинг халқро, демократик андоза ва талабларга жавоб бериши, унинг олдинги Конституциялардан мураккаб фарқ қилиши ҳақида сўз бора экан, аввало унда инсон ҳуқуқи ва уни ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар алоҳида ўрин тутганини, энг муҳими, шахс манфаати давлат манфаатидан устун туриши муҳрлаб қўйилганини фахр ила таъкидлаш жоиз. Ва албатта, бахт китобининг биз учун муқаддаслиги яна шунда кўринадикки, у ҳар қандай тараққиёт учун гаров бўлиши тинчлик, осойишталик, тотув ҳаётнинг асосларини ўзида мужассам этган. Яна бир муҳим жиҳат: Конституциямизга асосан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам инсон ҳуқуқлари ўзининг чуқур ифодасини топган. Бу соҳада қатор ташкилий-ҳуқуқий меъёрлар яратилди.

Эндиликда Республикамизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи қатор институтилар мавжуд. Жумладан, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик институти, унинг қошида амалдаги қонунчилик мониторинг институти фаолият юритмоқда. Шунингдек, Президент фармони билан инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, «Жамоатчилик фикри» маркази ташкил этилган. Буларнинг барчаси фуқароларимиз манфаатига хизмат қилмоқда. Масалан, Конституциямиз 53-моддасига кўра бозор муносабатларига қаратилган Ўзбекистон иқтисодиёти негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Шу боис ҳозирда мамлакатимизда тадбиркорликнинг қонуний базаси мустақамлаб, кенг кўлаб касб этиб бормоқда.

Ҳа, Ўзбекистон Конституцияси яшамоқда, ҳар жабҳада Мустақиллигимизнинг мустақам негизи сифатида ўзини намойён этмоқда.

Шоир таъкидлаганидек: **Бахтнинг Қонуни нурафшон этмиш Бир сўзли ўзбегим истиқлолини. Бошида қўйиш чароғон этмиш Мустақил бу юртим шон — икбоблини!**

М.ҚАЮМОВ.

ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клуби стадионида ана шундай юксак шпор остида ҳарбий ватанпарварлик қўшиқлари фестивали бўлиб ўтди. Олий Мажлисининг Ёшлар комиссияси, Фидокорлар партиясининг ёшлар қаноти, Ўзбекистон телерадио компаниясининг «Ёшлар» теле ва радио каналлари каби ташкилотлар томонидан ташкил этилган бу тадбирга қутулганидан ҳам кўп томошабин ташриф бурди.

Ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, миллий фахр ва ифтихор, юрт тинчлиги ва осойишталиги учун масъулият тулғусини шакллантириш, йигитларимизни Қуролли Қучлар сафида хизмат қилишдек шарафли ишга чорлаш мақсадида ўтказилган мазкур фестивалдан тушган маблағ эзгу ният йўлида - юртимизнинг олис кишлоқларида ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шароит муҳайё этишга сарфланади.

...Ун беш мингдан зиёд нақирон юртдошларимиз тўпланган стадионга ҳарбий оркестр кириб келади, юртимиз Маҳфияси янграйди. Стадион узра Ўзбекистон байроғи кўтарилди. Майдонга чиққан мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг вакиллари, Чирчиқ олий ҳарбий танк қўмондонлик муҳандислиги билим юрти курсантлари ўзининг юксак ҳарбий ва жисмоний тайёргарлигини намойиш этади.

Томошабинлар яқинда Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказиладиган Олимпиада ўйинларига йўлланма олган спортчиларимизни олқишлар билан қутиб олади. Бокс бўйича 12 карра жаҳон чемпиони Артур Григорьян уларга омад ва ғалаба тилаб, юртимиз спортининг довруғи жаҳонга бундан ҳам кенгроқ ёйилишига ишончи комил эканини айтади.

Ёшлар учун чинакам спорт ва санъат байрамга айланган фестивалда «Ялла», «Шаҳзод», «Сетора», «Хўжа», «Аср» сингари мусикий гуруҳлар ижросида она Ватан, Истиқлол, мардлик ва жасурлиқни улуғловчи кўплаб куй-қўшиқлар янгради. Рақслар ижро этилди. Тадбирда Фаррух Зокиров, Юлдуз Усмонова, Руслан Шарипов каби машҳур санъаткорлар билан бир қаторда, Севара Назархон, Озода Нурсаидова, Илхом Фармонов, Лариса Москалёва сингари санъат оламига кириб келаётган истеъдодли хонандаларгача иштирок этгани байрамнинг қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтишини таъминлади. Буни томошабинлар кўплаб қўшиқларни санъаткорлар билан жўрликда куйлагани, рақсга тушганидан ҳам билса бўлади.

Айни пайтда фестивалга мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва ҳатто хорижий давлатлардан вакиллар ташриф бургани байрамнинг маъқени янада кўтарди. Фестиваль Ўзбекистон ёшларини Президентимизнинг энг эзгу гоғларни атрофида бирлаштиришга, ягона миллат бўлиб жинслаштиришга хизмат қилувчи эсда қолаарли катта тадбир бўлди.

Назокат Усмонова, ЎЗА муҳбири.



Янги марказ ташкил этилди

Республика иқтисодий ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улғбек» жамғармаси, Фанлар Академиясининг «Ўзбекистон фани ва технологияси» оид турдаги хисодрлик жамияти ҳамкорлигида Қарши шаҳрида «Каштекс» корхонаси ишлаб чиқариш базасида Республика илмий-ўқув

марказини ташкил этди. Ушбу марказга «Улғбек» жамғармаси 300 минг Швейцария франки ажратди ва бу маблағга сервис механизмлари — чет эл дастгоҳларига хизмат кўрсатадиган дастгоҳлар ва эҳтиёт қисмлар келтирилди. Дастлабки эҳтиёт қисмлар ёрдамида

«Каштекс» корхонасидаги тола тараш дастгоҳлари қайта таъмирланди. **Суратда: «Каштекс» корхонасидаги дастгоҳларни қайта таъмирлаётган маҳаллий усталар ўзаро фикр алмашишмоқда.** Ш.ШАРОПОВ, (ЎЗА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 4 июндан бошлаб валюта операцияларини бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қийматини белгилади: /

1 Австралия доллари	156,33
1 Австрия шиллинги	18,06
1 Англия фунт стерлинги	395,71
10 Бельгия франки	61,61
1 Голландия гульдени	112,79
10 Греция драммаси	7,38
1 Дания кронаси	33,32
1 БАА дирхами	70,95
1 АҚШ доллари	260,59
1 Миср фунти	75,04
10 Испания песети	14,94
100 Италия лираси	12,84
1 Канада доллари	176,06
1 Хитой юани	31,48
10 Люксембург франки	61,61
1 Малайзия ринггити	68,59
1 Германия маркази	127,08
1 Польша злотийси	59,91
1 СДР	348,48
1000 Туркия лираси	0,42
1 Финляндия маркази	41,80
1 Франция маркази	37,89
1 Швейцария франки	159,62
1 ЕВРО	248,55
10 Жанубий Корея вони	2,34
10 Япония иенаси	24,60
1 Россия рубли	9,29
1 Украина гривнаси	47,92

/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмага.

Ҳуқуқий маслаҳатхона МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ

Олдимишга қўйилган вазифалардан бири. Сиз азиз муштарийларни қизиктирган саволларга жавоб бериш орқали муаммоларингизни ечишда асос қилиб турган йўл-йўриқ кўрсатишдан иборатдир. «Ишонч қабулхонаси» руқни ташкил қилиниши муносабати билан тахририятимизга келаётган хатлар сони янада кўпайди. Шу босис ҳам, хатларнинг мазмун-моҳиятига қараб, уларга тўлақонли жавоб беришга ҳаракат қилаялмиш.

Муҳбиримиз Д. АЛЛАКУЛОВА бу гал ҳуқуқий-носа меҳнат таътили тўғрисида кенгрок тушунича беришни илтимос қилди.

— Меҳнат таътили де-ғанда ходимга иш ўрни ва иш ҳақи сақланган ҳолда бериладиган таътил дври тушунилади. Меҳнат таътили турига қараб асосан учта қисмга бўлиш мумкин. Яъни, асосий таътил, узайтирилган йиллик таътил ва йиллик қўшимча таътил. Асосий таътил Меҳнат Кодексининг 134-моддасига биноан 15 иш кунидан кам бўлиши мумкин эмас. Узайтирилган йиллик таътил ходимларни ёши, соғлиги ва меҳнат вазифаларининг ўзига хоо жиҳатлари, хусусиятларини ҳамда бошқа ҳолатларини эътиборга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланади. Меҳнат Кодексининг 135-моддасида 18

ёшга тўлмаган шахсларга ва ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига 30 календар кун таътил узайтирилган меҳнат таътили белгиланган бўлса, бошқа қонун ҳужжатларида, жумладан, халқ ноиблари учун 36 кун, ўқувчилар учун эса 48 кундан иборат меҳнат таътили белгиланган ва ҳоказолар.

Йиллик қўшимча таътил эса меҳнат шариоити ноқулай ва алоҳида жиҳатга эга бўлган, оғир ва ноқулай иқлим шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ёки бевосита меҳнат шартномасида кўрсатилган ҳолларда берилди. Жумладан: Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-


сонли қарори билан меҳнат шариоити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддатини ва улар учун қўшимча меҳнат таътилининг энг камини 12 иш кунидан иборат қилиб белгилаб берган. Булар жумласига рангли ва ноёб металлур рудаси, шунингдек, олмос хом ашёсини ва плавик сифатини бойитиш, необит (локарит) рудасидан ташқари ишларда банд бўлган рентген аппаратида хизмат кўрсатувчи лаборант-рентген тузувчи ва ҳоказолар киряди.

Шунингдек, бундай қўшимча таътил корхоналарда иш жойларини шаҳодатлаш йўли билан ёки меҳнат шартномасининг, яъни иш бевуви билан ходимнинг келишувига биноан белгила-ниши ҳам мумкин. Шунинг ҳам айтиш керакки, асосий йиллик таътил билан қўшимча таътилни ҳамлағанда унинг умумий давомийлиги 48 иш кунидан ошиб кетмаслиги керак. Бундан ташқари, қўшимча таътил нафақат юқорида айтиб ўтилган асослар учун, балки бошқа омилларни ҳисобга олган

ҳолда корхонанинг локал ҳужжатларида ёки иш бевуви ва ходим ўртасида келишувига биноан ҳам белгилашни мумкин. Масалан, шу корхонада (шу тизимда) зулқунис меҳнат стажига эга бўлганлар учун қўшимча таътил қўлиб беришни шулар жумласига киритса бўлади. Энди таътил муддатлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, ходим беш ёки олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган қатъий назар, таътилининг муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасида календар бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Таътил даврига тўғри келиб қолган яқшаба ҳамда иш кунига кирмайдиган байрам кунлари ҳисобга киритилмайди. Масалан дейлик, таътил 2000 йил 31 августдан берилди. Бунда 1 сентябр (чунки бу байрам куну) 3-10-17 ва 24 сентябр кунлари таътил муддатига қўшилмайди. Чунки булар умумий дам олиш кунларидир. Бу миқдоримизда биз 24 иш кунидан иборат бўлган меҳнат таътилининг қўриб чиқдик. (Давоми 3-бетда).



9



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ БОР



Ислоҳот инсон учун БОБОДЕҲҚОН ҚАНДИНГНИ УР!

Кейинги йилларда самарқандликлар деҳқончиликда ижобий ютуқларга эришмоқдалар. Ишлаб чиқаришдаги барқарорлик нафақат иқтисодий ўнгаришда, балки ижтимоий, маиший турмуш шароитларининг яхшиланишига имкон бермоқда. Буни Тойлок туманидаги Амир Темур номли ширкат хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Деҳқонлар асосан галлачилик, боғ-узумчилик, сабзавоткорлик, қартоқчилик билан шуғулланишади. Чорвачилик ва пиллачилик ҳам ишлаб чиқаришнинг асосий соҳаларидир. Лекин хўжалик беш йил муқаддам қарздорлар рўйхатидаги тиркалиб қолган. Айниқса, меҳнат ҳақидан қарз катта эди. Бугунга келиб хўжалик соф фойда оляпти.

— Бунга эришиш осон бўлмади. Аввало, оилавий пудрат усулининг ақидаларига қатъий амал қилдик. Шартнома мажбуриятини ҳалол бажарган деҳқонлар ўзлари етиштирган ортоқча маҳсулотга тўлиқ эга бўлдилар. Бу эса деҳқонларнинг ўз меҳнати натижасидан баҳраманд бўлишлари асосий шарт бўлди, — дейди бошқарув раиси Аҳмаджон Сангинов. — Икки йил олдин жамоа хўжалигининг ширкат хўжалигига айлантирилиши иқтисодий ривожланишнинг янги уфқларини очди, десам муболаға бўлмайди.

Мустақиллик йилларида Жиззах вилоятида ижтимоий соҳада юз бераётган туб ўзгаришлар кишини қувонтиради. Айниқса, соғлиқни сақлашга жиҳдий эътибор қилинмоқда.

Хозирги кунда кўпчилик пунклари, 185 та амбулатория ва поликлиникалар мавжуд. Ушбу даволаш масканларида икки мингдан ортиқ олий маълумотли шифокорлар, тўққиз мингта яқин ўрта тиббиёт ходимлари эл саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Мумкин, ёш мутахассисларга ўз соҳалари бўйича илмий тадқиқот олиб боришлари учун барча шароитлар яратилди. Марказнинг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев Жиззах ақлини янги шифо қосонасининг ишга туширилиши билан қизгин табриклар, саломатлик ишбонларининг хайрли постларида муваффақиятлар тилади.

Шунингдек, тантанавий сўзга чиққан олий тоифали шифокор Дилдора Рашидова, кекса педагог, меҳнат фахрийси Маҳмуд Шерназаров, шифокор Гулнара Тўраева, тиббиёт билим юр-

НОНИМИЗ НАҚАДАР ТОТЛИ

Новвойлар оиласининг фарзанди бўлгани учунми, асмини танибдики, Воҳид новвойликка ихлос қўйди. Ота изидан бориб шу касбни эгаллади. Моҳид Шароповнинг ўзи ҳам ўнлаб шогирдларга устозлик қилаётти.

Истиқлол шарофати туфайли Воҳид новвойнинг орзуси ушалди. Бундан 5 йил олдин Қарши шаҳридаги нон комбинати «Нур» нон ишлаб чиқариш очик ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Энди мулк ўз эгасини топди. 90 нафар ишчи-хизматчи аҳил оила фарзандларидек меҳнат қила бошладилар. Усуналарни кўз қорачигидек авайлаб-асраш, ҳар бир дақиқа қадрига етиш ютуқлар гарови бўлди.

— Биргина ўтган йилнинг ўзида ҳиссадорларга 3 миллион 538 минг сўмлик акция сотилди. Ҳар бирининг номинал қиймати 1000 сўмдан бўлган акцияларга 763 сўмдан дивидент тўланди. Ялпи даромад 144 миллион сўмдан ошди, — дейди бош хисобчи Рўзигул Пармонова.

Шу кунларда ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2 та деҳда иссиқ нонлар ва нон маҳсулотлари тайёрланапти. Иш 3 навбатда ташкил этилганлиги боис тандирлардан узилаётган нонлар тезда харидорларга етказиб берилаяпти. Шу йилнинг ўтган даврида 35 миллион сўмлик иш бажарилди. Нурилла Йўлдошев, Сайгул Бўриева, Илхом Юсупов, Сирож Исомов, каби новвойлар сифатли нон пилиши ва макарон тайёрлашда ҳамқасбларига ўрнак бўлишаяпти.

— Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган шартномага асосан ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилди, — дейди касабақўм раиси Усмон Қаюмов. — Ҳар бир ишчига махсус ишчи кийимлари берилган. Илгорлар ўз вақтида моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилаяпти. Овқат пули, мукофот пули олишаяпти. Оиласида фарзанд кўрганларга 1 ойлик маош миқдоридан суюничи пули бериладди.

— Яқинда оилада биринчи фарзанд кўрдик. Ҳам давлатдан ҳам қорхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан суюничи пули олдик, — дейди ёш ишчи Зафар Комиллов. — Механик Зафар Абдурахмонов, ишчи Карим Элмуродовнинг оилавий тантаналари ҳам эсда қоларди тарзда ўтказилди. Маъмурият томонидан тўйларда хизмат кўрсатаётган автотранспортлар ажратилди. Моддий ёрдам кўрсатилди. Энг муҳими, ҳамқасблар меҳри, садоқати устунлик қилди. Узоқ йиллар шу жамоада ҳалол меҳнат қилган Хотам Аббаев, Гулчехра Уроқовалар иззат-иқром билан кексалик нафақасига кузатилди.

Шаҳарда истиқомат қилаётган ўнлаб уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган, ёлғиз оилалар аҳволидан тез-тез хабардор бўлиб турилаяпти. Уларга меҳр-саховат кўрсатилаяпти.

— Соғлом авлод йилида ишчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича кўшимча тадбирлар белгиладик, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Воҳид Шаропов. — Ой, чорак якунларига кўра юқори кўрсаткичга эришганларга мукофот пуллари берилаяпти. Меҳнат таътилига чиқаётганлар эса 1-1,5 ойлик маоши миқдоридан ёрдам пули олишаяпти. Ёш ишчи-хизматчилар турмуш қурса уларга 24 кунлик ҳақ тўланган таътил бериш йўлга қўйилган.

Илгор новвойлар қадимий шаҳарлардан ҳисобланган Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона водийси ҳамда пойтахтга вақти-вақти билан саёҳатга бориб келишаяпти. Ишчиларни соғломлаштириш учун сиахтоғларга йўланмалар бериш йўлга қўйилган.

Ҳиссадорлик жамияти дарвозасидан чиқиб келаётган автомобиллар эндигина тандирдан узилган иссиқ, мазали нонларни, сифатли макаронларни манзилларга элтишга шошилаяпти. Новвойлар эса қўли-қўлига тегмай яна хамир қориб, тандирларга нон ёпишаяпти.

Айни чоғда республикаимиз мустақиллигининг 9 йиллиги тўйи олтидан байрам дастурхонларини тўқин қилиш, нон ва маҳсулотлар билан безатиш мақсадида новвойлар сидқидилдан меҳнат қилишаяпти.

Сурхондарё вилоятида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Замонавий турар жой бинолари, ўқув муассасалари, хиёбонлар, кенг, раvon кўчалар шаҳар ва қишлоқлар

ҚУВОНЧЛИ ЎЗГАРИШЛАР

кўрқига кўрк қўшди. Эътиборлиси шуки, замонавий бинолар ўзининг миллий архитектураси билан алоҳида ажралиб туради. Айни кунларда Термиз шаҳрида бўлсангиз қувончли ўзгаришларни кўриб ҳайратга тушасиз, истиқлолга тасаннолар айтасиз.

Суратларда: Денов ва Сарисийё туманларида яқинда фойдаланишга топширилган қишлоқ хўжалиги коллежи ва автошоҳбкатнинг умумий кўриниши.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.



Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири

Чўлдаги ШИФОХОНА

бўён 800 миллион сўмлик қурилиш-монтаж, капитал-таъмирлаш ишлари бажарилди. Кези келганда, улар 254 миллион сўмлик ҳомий ташкилотлар ҳисобидан амалга оширилганлигини таъкидлаш лозим.

220 ўринга мўлжалланган даволаш масканида қўламли бўлим ва ёрдамчи хизмат шахобчалари мавжуд. Барча бўлим мудири, шифокорлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги аттестация комиссияси ҳулосасига асосан ишга қабул қилинди, бошқача қилиб айтганда, улар махсус жадвал асосида Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтида ўз малакаларини ошириб

ҳомий ташкилотлар савобдан четда қолишмади. Ушба мақсадлар учун қарийб бир миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

Қабул қилиш бўлимига Германиянинг «Сименс» рентген аппарати, зарарсизлантириш бўлимига Италиядан келтирилган уч дона автоклав, Япониянинг «Олимпикс» фирмасига тегишли, қиймати 19 миллион сўм турадиган Бронхоскоп ва Гастрофиброскоп, қиймати 3 миллион сўм бўлган компьютер ЭКГ кордиостар каби аппарат ва асбоб-ускуналар ўрнатилган.

Яна бир муҳим гап. Марказда фақатгина даволаш ишлари олиб бориладди, балки тиббиёт соҳасида илмий изланишлар билан ҳам шуғулланиш

тининг ўқувчиси Барно Қодирова соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги эътибор учун мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматига ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдирдилар. Маросимда вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев марказ бош шифокори Фулом Орифхўжаевга барча зарур бўлган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «Реанимобль» машинасининг қалитини топширди.

Шавкат ЁҚУБОВ, Жиззах вилояти касаба уюшмалари кенгашининг масъул ходими.

ЯНГИ ОРОМҒОҲ ИШ БОШЛАДИ

Яқинда Навоийда яна бир болалар оромгоҳи иш бошланди. Навоий пахта тозалаш очик турдаги ҳиссадорлик жамияти қошида илк бор 80 нафар болани бағрига олган бу дам олиш масканида нафақат завод меҳнаткашлари, балки шаҳардаги «Ҳаёт», «Истиқлол» маҳаллаларининг фарзандлари ҳам мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси бу ерда болаларнинг дам олиши, ўйнаши, чўмилиши, машғулот ўтказишлари учун барча имкониятларни яратди. Жумладан, дид билан жиҳозланган хоналарда телевизорлар қўйилди. Болаларни саёҳатларга чиқариш учун автобус ажратилди, ҳар бир болага озиқ-овқат учун сарфланадиган маблағ кунига 540 сўмга тўғри келмоқда.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Қорақалпоқ ғалласи

Қорақалпоғистон ғаллакорлари мўл ҳосил етиштиришди. Ўрим-йиғим мавсумида 153 та «Кюас» ва «Кейс» русумли комбайн унумли ишлатилди. Давлатга 49 минг 300 тоннадан зиёд сара дон топширилиб, йиллик шартнома режаси бажарилди.

Қорақалпоғистоннинг мураккаб об-ҳаво шароитида биринчи марта кузи бугдой экилган 28 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22 центнердан ҳосил кўтарилди. Меҳнат зафарига Қўнғирот, Чимбой, Қораўзақ, Нукус туманлари деҳқонлари салмоқли ҳисса қўшди.

Ҳосилдан бўшаган майдонларга чорва учун озуқабоп экинлар экиляпти.

Бизнинг туманимизда болалар тарбияси ва соғлиғига алоҳида эътибор берилаяпти, — дейди Оқдарё туман касаба уюшмалари мувофиқлаштириш кенгаши раиси Ризоқул Усанов. — Хусусан, тумандаги «Янгиқўрғон» жамоа хўжалигида жойлашган «Оқдарё» дам олиш масканида янги мавсум олтидан қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилиб, 7,5 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Оромгоҳга кириш йўлакчаларига шағал, тош ётқизилиб, спорт майдон-

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

долзарб масалага икки хил муносабат

соғлигини тиклашга алоҳида эътибор беришмоқда. «Янгиқўрғон» қишлоғида жойлашган бу оромгоҳ сўлим бўлган-да бирида жойлашганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Нилуфар Раҳмонова, Соҳиба Абдуллаева, Гулжаҳон Қодирова, Дилдора Жумаева, Зокир Жумаев, Зоҳид Холбоев сингари тажрибали етакчилар дам олувчилар атрофида парвона.

Афсуски, Оқдарёга қўшни бўлган Поймақ туманида бўлганимизда бунинг бутунлай аксини кўрдик. Туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Т.Эрназаров билан учрашиб мақсадимизни айтган эдик, унинг жавоби қисқа бўлди: — бизга

шундай кўрсатима бор: келишдан мақсадингизни билдирувчи буйруқ бўлмаса, сизни қабул қила олмайман...

Начора, баъзан шунақиси ҳам бўлиб туради. Яқинки туман халқ таълими бўлимининг мудири Аваз Раҳимовнинг вақти бор экан. У киши бизни таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг раиси Раҳмат Маҳмудов хонасига бошлаб кирди.

Суҳбат асосида шу нарса маълум бўлдики, туман халқ таълими бўлими 1999-2000 ўқув йили якунлари муносабати билан мактаб ўқувчиларининг намуналик этиш мақсадида вилоят халқ таълими бошқарма-

си ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг шу йилнинг 27 апрел кундаги қарори бўйича чиқарган буйруғида тумандаги 3.6.7-умумтаълим мактаблари қошида 300 болага мўлжалланган соғломлаштириш оромгоҳини очиб, бунинг учун 1 миллион 246 минг сўм миқдоридан пул ажратиш, (яъни ҳар бир болага бир кунлик овқати учун 305 сўм пул сарфлаш), оромгоҳларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш, санитария ҳолатига алоҳида эътибор бериш, болаларнинг, дам олувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун кенг имконият яратиш борасида қатор кўрсатмалар берилганини билиб олдик. Фақат,

булар қоғозда қолиб кетибди.

Шу ерда эганимизда яна бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Тумандаги «Навбахор» жамоа хўжалигида жойлашган 7-умумтаълим мактабида фаолият кўрсатиши лозим бўлган соғломлаштириш оромгоҳида мактабнинг 25 нафар ўқувчи ёшлари дам олиб ўз соғлиқларини тиклаш режалаштирилган. Аммо қизиги шундаки, мактаб маъмурияти, бошланғич касаба уюшмалари оромгоҳ учун мўлжалланган боғни супуриб-сидириб, дам олувчилар учун мўлжалланган жойни тахт қилиб қўйишган бўлса-да, туман санитария-эпидемиология назорати марказининг руҳсатномаси, дори-дармон

ва озиқ-овқат учун зарур бўлган маҳсулотлар йўқлиги боис, ўз фаолиятини анчагача бошлай олишмади. Уларнинг бу ҳаракатлари Афандининг уйига келган меҳмон олдига бўш лаган ва пичоқни қўйиб «меҳмон, ҳозир бизнинг уйда қовун бўлганида, иккаламиз мириқиб еган бўлардик-ди» деган гапини эслатади. Улар ҳам ўз тарбиясида бўлган кичкинтойларга «оромгоҳ» учун ажратилган «маҳсус» жойдаги қаровотларни кўрсатишиб «мана, болақонлар, шу ерда мириқиб дам олиб, ўқув йилига янги куч, янги қувват билан қадам қўясизлар» деган фикрда юришган бўлса, ажаб эмас.

Ёки алдагани бола яхшими?

Рўзимурод ТУРСУНОВ.

Сарчасма

ҚОЙИЛИ МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ

Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида ушбу илм маскани ҳамда Адабиёт музейининг шарқ адабиёти бўйича давра суҳбатларининг «Мавлоно Жалолиддин Румий ва ўзбек адабиёти» мавзусига бағишланган тўртинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

— Бугунги йиғилиш Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳамда Эрон давлати раҳбари М.Хотамийларнинг Техрондаги тарихий учрашувлари ҳамда икки томон учун манфаатли ҳужжатлар имзоланганидан кейин ўтказилаётганида чуқур рамзий маъно бор, — деди Эрон Ислам Жумҳуриятининг Ўзбекистондаги факултод ва мухтор элчиси жаноб Ҳусайн Наракиён. — Шарқнинг буюк даҳоси Ж.Румийнинг маснавийларида нақл қилинишича, тил билмаган, бир-бирини тушунмаган тўрт нодондан бири, албатта, иккинчисининг ёқасидан олишгача бориб етади. Тил билган донишманд эса бу мушкулотни осон ҳал қилади.

Чоризм истибодидан аввал юртимизда Ж.Румий ижодини халқ яхши биларди. Унинг маснавийлари ҳар бир зиёли ўзбек хонадонига кириб борган эди. Афсуски, узок йиллар давомида шарқ дурдоналари хазинасидан бенасиб яшадик. Мустақиллик туфайли мана бугун миллий қадриятларимиз тикланиб, шарқнинг буюк алломалари номи қайта кашф этилаётди. Хусусан, Р.Фиш қаламига мансуб «Жалолиддин Румий» романининг таржима қилиниши катта савоб иш бўлди. «Тафаккур», «Шарқ юлдузи» каби журналлар, газеталарда адабиётшуносларнинг Ж.Румийга бағиш-

ланган ўнлаб мақолалари эълон қилинди.

Яна бир меҳмон, румийшунос олим, доктор Т.Пурномдориён Мавлоно Румийнинг Эрон ва жаҳон адабиётида тутган ўрни ҳақида сўзлаб берди.

— Мумтоз адабиётимизнинг йirik намояндаси Жалолиддин Румийни фарбинг атоқли адиблари Гомер, Данте, Шекспир, Гёте билан ёнма-ён қўйиш мумкин, — деди у, — Румий асарлари АҚШ, Франция, Англия, Германияда ҳозир ҳам кўп нусхаларда чоп этилмоқда. Бунинг боиси шуки, умумбашарий қадриятлар халқларни бир-бирига яқинлаштириш, тинч-тотув яшаш учун хизмат қилади.

Шоирлар Ж.Камол ҳамда А.Маҳкам Румий маснавийларининг ўзбек тилига таржимаси устидаги ижобий изланишлари хусусида тўпланганларга сўзлаб бердилар. Филология фанлари доктори И.Ҳаққуловнинг маърузаси, шунингдек ёш олима Ш.Ёркиннинг Ўзбекистондаги қўлёзмалари тўғрисида илмий ахборотлари ҳам мароқ билан тинглан-ди.

Ж.Румийни оламари машҳур қилган йигирма етти минг байтдан иборат «Маснавийи Румий» си 10 йил давомида ёзилган бўлиб, Алишер Навоий таъбири билан айтганда, «қойили маснавийи маънавий, гаввоси баҳри яқин»лиги билан ажралиб туради. Мутафаккир шоирнинг ижод бўстонида мумтоз ўзбек адабиётининг намояндалари яхши хабардор бўлганлар, ижодий маҳорат мактабини ўтаганлар.

Мирза Анвар КАРИМОВ,
тарих фанлари номзоди.

Шифокор огоҳлантиради

ДИЗЕНТЕРИЯ – ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

«Соғлигимиз-бойлигимиз» деб бежиз айтмай-дилар. Уни қанчалик асраб-авайлаш ўзимизнинг қўлимизда. Хусусан, мевачевалар пишиб этилган ёз кунларида эҳтиёткорлик қилган маъқул. Болаларда учрайдиган дизентерия касаллиги, айниқса, хатарлидир.

Дизентерия микроблари бемор одам ёки микроб ташувчининг ичагида яшайди, ахлатда эса уч ойгача сақланади, ташқи муҳитга узлуксиз чиқиб туради. Беморга дизентерия бактериялари ифлосланган озиқ-овқатлар, сабзавот, идиш-товок, кийим-кечак ва сув орқали юқади. Бундан ташқари пашша барча юқумли ичак касалликларида бўлгани каби дизентериянинг тарқалишига ҳам сабаб бўлади. Дизентерияга эмланмаган, нимжон, рахит ва гипотрофия билан касалланган болалар кўпроқ чалинади.

Микроблар организмга асосан оғиз орқали тушади. Меъдадан ингичка ичакка ўтган, уларнинг асосий қисми ҳалок бўлади,

бунинг натижасида ажралган токсин эса ичак деворларидан қонга ўтади. Дизентерия микробларининг токсинлари йўғон ичак шиллик пардалари орқали организмдан чиқа туриб, унинг яллиғланиши ва сенсибилизациясига сабаб бўлади. Оқибатда дизентерия бактериясининг ичак шиллик пардаларига ўтириши, шиллик парда ва шиллик парда ости фолликулаларига кириб олиши ҳамда кўпайиши учун қулай шароит яратилади. Организмда хосил бўлган токсинлар ичак деворларига тўғридан-тўғри таъсир қилиш билан бир қаторда, бутун организмнинг захарланишига олиб келади.

Ичак вегетатив асқаб системасининг дисфункцияси туфайли унинг қисқариши, секретор, трофик ва сўриш

фаолиятлари бузилади. Ичак фаолиятларининг бузилиши рефлектор тарзда меъда, меъда ости бези ва жигар фаолиятларига ҳам таъсир кўрсатади.

Дизентериянинг оғир турида беморнинг умумий аҳоли ўта оғирлашиши, касаллик умумий белгиларининг кўзга яққол ташланиши кузатилади. Бемор кетма-кет қайт қилади, тана ҳарорати юқори ҳолда (39-40 С) бир неча кун сақланади. Ичнинг кетиши тўхтовсиз тус олади, ахлатда шиллик модда ва қон бўлади (беморнинг ичи қунда 30-50 мартагача кетиши мумкин).

Бу касалликнинг даволашда парҳезнинг аҳамияти каттадир. Интоксикация жуда оғир бўлган ҳолларда болага фақат сув-чай, қотган нон берилди (гудакларга соғилган она сuti ёки

кефир). Агар интоксикация кайталаниб турувчи қусиш билан биргаликда кечаётган бўлса, соғилган она сuti ҳар 2 соатда 10-20 мл. дан берилди. Касалликнинг 3-4 кунларига бориб она сuti миқдори 30-40 мл. га етказилади. Қайт қилиш тўхтагандан кейин 5 кун ўтгач, болани эмизиш мумкин. Овқат ҳазм қилиш жараёнида рини яхшилаш мақсадида болага панкреатин ва абомин берилди.

Дизентериянинг олдини олиш мумкин, бунинг учун бошқа юқумли касалликлариди каби санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш талаб этилади. Касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни соғлом болалардан ажратиш, улар билан мулоқотда бўлган болалар устидан назорат ўрнатилиши лозим. Тиббиёт хамшираси ўз кузатув

натижаларини махсус дафтарга ёзиб бориши керак. Агар болалар жамоасида яна касалланиш ҳоллари кузатилса, барча болалар бир йўла бактериологик текширувдан ўтказилиши шарт. Енгил турдаги дизентерия билан касалланган болаларни уй шароитида даволаса ҳам бўлади. Уртача оғирликдаги ва оғир турдаги дизентерия билан касалланганлар эса албатта шифохонага ётқизишлиши даркор.

Ўқумли касалликларнинг олдини олишда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, санитария-дезинфекция тартибларини жорий этиш, ота-оналар бутун аҳоли орасида санитария-тарғибот ишларини узлуксиз олиб боришлари талаб этилади.

У.ҲОШИМБЕКОВА,
шифокор.

Инсон учун энг кераклиси - саломатлик, тинчлик-хотиржамлик. Тўрт мучалим соғ бўлсин, деган киши ўз қадрини билди. Шифо масканлари имкониятидан унумли фойдаланади.

Шу ўринда «Қашқадарё соҳили» санаторийси ҳақида икки оғиз...

30 гектарни эгаллаган сўлим сихатгоҳда асаб, бўғин, ошқозон-ичак, юрак-қон томир касалликларини даволаш йўлга қўйилган.

Суратда: IV-бўлим (даволаш) бошлиги Икром Раҳимов даволанувчилар Махпират Арзиева ҳамда Турдигул Сувондиқовалар билан З.РАҲИМУЛЛАЕВ олган сурат.



Арз қилиб пойтахтга бориш шарт эмас

Олмалик шаҳрида вилоят ҳўжалик судининг туманларо бўлими фаолият кўрсата бошлади. Энди нафақат Олмалик, балки Ангрен, Охангарон шаҳарлари, Охангарон ва Пскент туманлари тадбиркорлари зарур ҳолларда шу жойга мурожаат қиладиган бўлди. Бўлимда бунинг учун барча шароитлар яратилган бўлиб, даъво аризаларини қабул қилиш, апелляция тартибидидаги ишларни сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш йўлга қўйилмоқда.

Шу билан бирга бу ерда Олий ҳўжалик судининг ҳўжалик ҳўқуқи ўқув маркази ҳам иш бошлади. Марказда ҳўжалик раҳбарлари ва тадбиркорлар учун амалдаги қонунчилик ижроси, ҳўқуқий саводхонликни ошириш билан боғлиқ машғулотлар ўтказилади.

Тошкент пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси акциядорлик жамияти санаторий-профилактик санаторий фаолиятини тўхтади. Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида **ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани 185-мактаб томонидан Зокирова Барно Комилловна номига 1986-87 ўқув йили 26 июнда берилган Д 314236 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон — ўхшаши йўқ бир бўстон

«СЕНТОБ» МЎЪЖИЗАСИ

Кўпчилик Нурота воҳасининг «Сентоб» тарафларини яхши билмайди. Лекин Нурота тизмасининг гарбий ҳудудларига сафар қилганлар табиатнинг мафтункорлигидан лол қолмай иложлари йўқ. Тоғлардан-тоғларга тутшиб кетган бу мўъжизакор жойлар маҳаллий аҳоли наздида илоҳий маъно касб этади. Қариялар қишлоқнинг кўкка туташ сервиқор тоғлари кўркини тонгда томоша қилишни маслаҳат беришади. Шу чоғда тоғ чўққилари гўзал манзара кашф этиб, дилнигизни яйратади. Борлиқнинг бетакрор чиройи, тоғ суварлининг шарқираб тўкилиши руҳингизга сингиб кетади.

Яқинда «Сентоб»га сафар қилдик. Сафар чоғида бизга ҳамроҳлик қилган қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Турсунбой Остонов, ҳўжалик касаба уюшма кўмитаси раиси Мухаммад Ермаков ва сентоблик ўқитувчи Н. Ҳамроевлар қишлоқнинг жозибакор жойлари - «Сойиҳуш»даги эски, ле-

ларини кўрсатишди. Айниқса, бизга қадимги «Кўрғон» қишлоғи ўзгача таассурот қолдирди. Айтишларича, аҳоли сув тошқинларидан қочиб тоғ устига қишлоқ барпо этган экан. «Кўрғон»га яқка сўқмоқлардан кўтарилар эканимиз, қоя тошларга битилган суратларга дуч келдик. «Петроглиф»лар деб аталувчи бу суратлар ибтидий маданиятнинг нодир обидалари ҳисобланади.

Энг қадимги инсонлар ҳали ёзув пайдо бўлмасдан илгари ўз фикрларини, таассуротларини турли расм ва чизмалар билан ифодалаганлар. Бу суратлар ўша давр одамларининг ҳаёти,

эътиқоди ва маданияти, расм-русумларидан ҳикоя қиладди. Қоя тошларнинг силлиқ юзасига солинган суратларнинг асосий қисми зарб билан уриб чизилган. Суратларда ов манзаралари, камон отаётган овчи, елиб бораётган тоғ эчкиси, кийик, ит, бўри, тўнғиз, сир-тмоқ отаётган, қамчи ушла-ган чавандоз ва ҳаттоулаётган киши тасвирланган. Биз кўрган жами суратларнинг сонин юзга яқин бўлиб, улар ёмғирдан сўнг айниқса яққол кўринар экан. Қоратоннинг «Сармиш» дара-сида ҳам худди шу каби минглаб суратлар галереяси мавжуд. Тош суратлар тадқиқотчиси А.Кабиров-

нинг ёзишича, уларнинг ёши 5 минг йилга боради. «Сойиҳуш»да биз кўрган суратлар ёши ҳам ундан кам эмас. Бу чиндан-да буюк мўъжиза эди. Сой бўйлаб ичкари кирраверсангиз «Қазбон», «Қафтархона», «Ҳайдар», «Ашура», «Фозилмон», «Фангат» қишлоқларига ўтасиз. Ким билади, у томонларда яна қанча сир-у синоатлар бор экан?

Ш.ХАЛИЛОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари
Навоий вилоят касаба уюшма кўмитаси раиси.

Футбол

103 дақиқалик сўнгги дарс



Пойтахтимиздаги П.Боровский номли тиббиёт билимгоҳида кўпгина иқтидорли, изланувчан талабалар илм сирларини кўнг билан ўрганишмоқда.
Суратда: Фаол талаба Виолетта Аюпова.
Т.КРАВЧЕНКО олган сурат.

Атоқли санъаткор ва тақрорланмас овоз соҳиби Фахриддин Умаров суҳбатларидан бирида шоғирд аҳли уч тоифага бўлинади ва улар ичида энг кўп тарқалгани «магнитофон» шоғирдлардир, яъни ўзингиз билан кўришмаган, суҳбатлашмаган, бевосита йўл-йўриқ олмаган бўлса-да, магнит тас-масига ёзилган қўшиқларингизни тақ-лидан кўйлаб, орқаваротдан сизга эҳтиром кўрсатиб юради, деганди. Чамаси Европа кубоғи баҳсларини томоша қилиш жараёнида жуда кўплаб мухлислар у ёки бу футбол юлдузига нисбатан ўзида «телевизор» шоғирд-лик ҳис қилган бўлса ажаб эмас.

Айниқса, Франция ва Италия жамоалари ўртасида бўлиб ўтган финал учрашуви унутилмас таассуротлар уйғотди. Нимасини айтасиз, бунақа спек-таклларни ҳар кун кўролмайсиз. Ахир чемпионат бошларида мутахассислар томонидан ўртача баҳоланган, нари-си билан ярим финалга чиқиши мум-кин, деб қилинган баҳоратларни ўз

иродаси ва авваламбор метин ҳимо-яси ва ари нишидек таъсирчан қарши ҳужумлари билан йўққа чиқарган ита-льянлар финалда бундай мазмунли ўйин намойиш этади, деб ким ўйлаб-ди дейсиз! Мана ҳужуми, ана ҳужум - ҳар қачонгидан ҳам кучли таркибда майдонга тушган Франция терма ко-мандаси маълум мuddат пароканда-ликка учраганлигининг гувоҳи бўлиш-ди шу кун и ашаддий мухлислар. Уйин-нинг 55-дақиқасида ҳисоб очилган-га, французлар гўё уйқудан уйғонди-лар.

Шу кун машҳур «яратувчи» Зидан «очилмади», аммо унинг жамоаси қал-тис паллардада кўплашиб жиловини кўлга олишга қодир эканлигини намойи-ш этди. Биз ушбу ўйин мисолида фут-болчи алмаштиришнинг ҳадисини ол-ган тренергина галабани таъминлаши мумкинлигини ҳам кўрдик. Зотан, Францияга галаба келтирган икки тўпни айнан учрашув асноси майдонга тушган янги ўйинчилар ракиб дарво-

засига йўллаганлари бежиз эмас. Хуллас, қўшимча вақтда, яна ҳам аниқроғи, ўйиннинг 103-дақиқасида 22 ёшли, яқиндагина 22 миллион доллар-га Италия командаларидан бирига «сотилган» Давид Трезеге томони-дан амалга оширилган «олтин гол» га қадар давом этган баҳс барчага - мух-лисларга ҳам, мутахассисларга ҳам, энг муҳими спортнинг ушбу тури бил-ан бевосита шуғулланиб келаятган ёш футболчиларга ажойиб сабоқ бўлди. Дарс жараёнида ўзимизни қан-дай тундиқ ва у бизга нималарни ўргатди, ҳадемай бун и ҳам билиб ола-миз.

Биз учун энди асосийси ўз ички чемпионатимиз ва албатта, кўзда ўрта ер денгизининг шарқий соҳили-да ўтказиладиган Осиё биринчилиги-да муносиб қатнашиш учун тайёр-ликни қизитиб юборган Ўзбекистон миллий терма командамизга омад тила-шдир.

З.РИХСИЕВ.

ҚАЛОВИНИ ТОПСА...

Яқинда бир юмуш билан Фарғонага йўл олдим. «Қамчиқ» довонидан ўтаётиб, қуёш чарақ-лаб туришига қарамай машиналарга ортिलाёт-ган уюм-уюм қорни кўриб ҳайрон бўлдим. Авва-лига ҳеч нарсага тушунмай, шу йўлдан доимий қатновчи ҳайдовчидан сабабини сўрадим. У шун-дай деди:

— Мана шу бир КамАЗ қорнинг нархи ўртача йигирма минг сўм бўлади. Эшитишимча анди-жонлик бир ишбилармон сабзи, картошка каби сабзавотларни икки йилгача сақлаш йўлини ўйлаб топилди. Бунинг учун уларни йигирма сантиметр қалинликдаги махсус жойга ёйиб, устига бир оз қипиқ солинаркан. Сўнгра қипиқ устига қоғоз ёзиб жойнинг ҳажмига қараб маълум миқдорда қор бостирилади. Ўша бостирилган қор ҳар кан-дай об-ҳаво шароитида ҳам махсулотни ўз ҳоли-ча сақларкан. Қарабсизки, бу йил ёққан қор яна-ги йил киссангизга ҳисса кўшади.

Андижонлик ишбилармон укаимиз қўллаган усул-дан ҳам ҳайрон қолдим, ҳам хурсанд бўлдим. Ахир бу ҳали деҳқончиликнинг кўпчилик эшитма-ган янги усули-ку! Халқимиз «қаловини топса қор ҳам ёнади», - деб бежиз айтмаган экан-да.

Саидмурод САИДАҲМАД.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама,
эълонлар бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Маълумимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий аҳади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топши-риниш вақти - 21.00